



“ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ, АДАБИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: ТАВСИФ, ТАРЖИМА ВА ТАДҚИҚОТ” НОМИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли Фармойиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги 86-сонли буйруғи асосида Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёмалари марказида **2016 йил 12 май куни “Шарқ алломалари илмий, адабий меросини ўрганишнинг долзарб масалалари: тавсиф, таржима ва тадқиқот”** номидаги республика миқёсидаги илмий-амалий 3-конференция ўтказишни режалаштирмоқда.

Анжуманга қуйидаги йўналишлар бўйича материаллар қабул қилинади:

- IX–XX асрларда Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақасида етишиб чиққан олимларнинг аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича яратган асарлари тадқиқи ва таҳлили;
- мазкур даврлардаги илмий, маданий ва адабий жараёнлар, уларга таъсир кўрсатган омиллар;
- манбашунослик ва матншунослик тадқиқотларининг методологияси;
- қўлёмаларнинг илмий тавсифи, каталоглаштириш ва кодикология масалалари;
- эпиграфик тадқиқотлар;
- таржима ва табдил муаммолари;
- қўлёмза ва тошбосма манбаларни сақлаш, таъмирлашнинг замонавий талаб ва усуллари;
- китобат санъати ва хаттотлик.

Материаллар илмий мақола (8-10 бет) шаклида шу йилнинг **12 апрелига** қадар қабул қилинади. Анжуманга қабул қилинган материалларни Шарқ қўлёмалари маркази “MEROS” журналининг махсус сонидан нашр қилиш режалаштирилган.

Маъруза учун регламент 15 дақиқа.

Маъруза матнларини расмийлаштириш талаблари:

1. Маъруза матнлари Times New Roman шрифтида, белгилар катталиги 12, сатрлар ораси 1,5 интервалда ёзилган бўлиши керак.
2. Қоғоз ўлчами: А4 (210-297 мм).
3. Матн юқорисидан 2,5 см, чапдан 3 см, ўнгдан ва пастдан 1,5 см хошиялар қолдирилади.
4. Саҳифанинг юқори ўнг бурчагидаги биринчи қаторда маърузачининг исми, фамилияси ва отасининг исми, иккинчи қаторда ташкилотининг тўлиқ номи, учинчи қаторда унвони (агар бўлса) ва лавозими, тўртинчи қаторда телефон рақами (коди билан) ва электрон почта манзили кўрсатилади.
5. Мавзу номи қорайтирилган катта ҳарфлар билан бешинчи қаторда, саҳифа ўртасидан ёзилади.
6. Мақолада мавзу орқали кўтарилган масала, унинг ечими, илмий амалий-аҳамияти ва ҳулосаси берилиши талаб қилинади. Зарур ўринда ҳаволалар сатр остида берилсин (Масалан: Хамидов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Тошкент, 2001. Б. 135.).
7. Мақола фойдаланилган адабиётлар рўйхати (алифбо тартибида жойлаштирилган), ўзбек, рус, инглиз тилларидаги резюме ва калит сўзлар билан таъминланган бўлиши керак.

Кечиктирилган ва талаблар бўйича тайёрланмаган мақолалар қабул қилинмайди.

Манзилимиз:

100170. Тошкент ш.,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқ қўлёмалари маркази.

Мурожаат учун:

Телефон: 262-54-61, 262-42-56

E-mail:

beruni1@uznet.net